

**ИЧКИ ТУРИЗМ ИСТИҚБОЛЛАРИ****Ахроржон Мирзаев Аъзамович**

ФарПИ катта ўқитувчиси

Азиахон Махмудова Носировна

ФарПИ ассистенти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6569534>

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон – замонавий сайёҳлик инфратузилмасига эга мамлакат эканлиги, мамлакатнинг туристик соҳадаги имкониятларини рўёбга чиқаришда ички туризмни ривожлантириш муҳим ўрин тутиши ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Замонавий сайёҳлик, нефть ва газ саноати, рекреацион, ички туризм инфратузилмаси.

Аннотация

В этой статье тот факт, что Узбекистан является страной с современной туристической инфраструктурой, развитие внутреннего туризма играет важную роль в реализации возможностей страны.

Ключевые слова: современный туризм, нефтегазовая индустрия, рекреационная, внутренняя туристическая инфраструктура.

Ўзбекистон – замонавий сайёҳлик инфратузилмасига эга мамлакат зеро, ҳар қандай янги туристик маҳсулотга, аввало, маҳаллий сайёҳларда қизиқиш уйғотиб, сўнгра уни хорижий сайёҳларга тақдим этиш самарали йўл эканлиги халқаро тажрибада тасдиғини топган. туризм иқтисодиётнинг юқори даромад келтирадиган ва жадал ривожланаётган йирик тармоқларидан бири ҳисобланади. Айни вақтда,



мазкур тармоқ дунё мамлакатлари ва халқларининг маданият соҳасидаги амалий мулоқотида ўзига хос алоқа вазифасини ўтамоқда. Жаҳон сайёҳлик саноатида туризмдан тушаётган даромад автомобиль ишлаб чиқариш, нефть ва газ саноатидан кейин учинчи ўринда туради. Дунёда туризм соҳасида 195 миллион киши – иш билан банд аҳолининг саккиз фоизи меҳнат қилмоқда. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотларига кўра, дунё бўйича сайёҳлар оқими йилига 45 фоиз ўсмоқда. Ўзбекистон – замонавий сайёҳлик инфратузилмасига эга мамлакат. Мамлакатнинг туристик соҳадаги имкониятларини рўёбга чиқаришда ички туризмни ривожлантириш муҳим ўрин тутди. Зеро, ҳар қандай янги туристик маҳсулотга, аввало, маҳаллий сайёҳларда қизиқиш уйғотиб, сўнгра уни хорижий сайёҳларга тақдим этиш самарали йўл эканлиги халқаро тажрибада тасдиғини топган. Масалан, жаҳон сайёҳлик саноатида етакчи ўринни эгаллаган Испанияда аҳолининг 90 фоизи мамлакат бўйлаб саёҳат қилади. Умуман олганда, бирор мамлакат миқёсида туризм интенсивлиги 50 фоиздан ошса, яъни мамлакат умумий аҳолисининг 14 ёшдан катта қисмининг ярмидан кўпи бир йилда ҳеч бўлмаганда бир маротаба саёҳат қилса, бу ўша мамлакатда туризм оммавий тус олганидан далолатдир. Ўзбекистоннинг Президенти Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимизда сайёҳлик соҳасини тараққий эттириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар жараёнида ички туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда ва бу борада қатор ҳудудий дастурлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. 2022 йил 30 апрел кунги “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Президент Қарори асосида мамлакатимизда сайёҳлик хизматлари кўрсатиш соҳасига маданият, телекоммуникация, савдо, овқатланиш, саноат соҳаси ташкилотлари ҳамда муассасалари, оммавий ахборот воситалари фаол жалб этишни кўзда тутган. Мамлакатимизда ички туризм салоҳиятини кенг тарғиб этиш, ҳудудлардаги сайёҳлик базалари, дам олиш зоналари, пансионатлар, санаторий ва курортлар, рекреацион ва экотуристтик ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда сайёҳлик соҳасининг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Ички туризмни ривожлантиришда тарихий ва меъморий обидалар нисбатан камроқ ҳудудларда фаол турдаги туристик хизматларни йўлга қўйиш, шунингдек, тоғли зоналар, қишлоқ жойларга мўлжалланган алоҳида турдаги туристик хизматларни ташкил қилиш каби вазифалар ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиғ этиш вақти келди.

Бундай саъй-ҳаракатлар самараси натижасида Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Жиззах ва Хоразм вилоятларида бир қанча ўтов оромгоҳлари, кемпинглар, дам олиш ва соғломлаштириш масканлари барпо этилиб, сайёҳлар учун турли туристик хизматлардан фойдаланиш имкониятлари яратилди. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Шаҳрисабз, Марғилон сингари шаҳарларимизда халқимизнинг бой тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи қадимий обидалар авайлаб сақланаётганлиги ҳамда миллий ҳунармандлик марказлари фаолият кўрсатаётгани мазкур ҳудудларда нафақат халқаро, балки ички туризмни ҳам жадал ривожлантиришда муҳим омил бўлаётир. Хусусан, Бухородаги маданий ва тарихий ёдгорликлар, жумладан, Масжиди Калон ва Чор Бакр мажмуалари, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуҳолиқ Ғиждувоний каби буюк аждодларимизнинг қадамжоларини зиёрат қилиш мақсадида минглаб ҳамюртларимиз мазкур вилоятга саёҳат қилмоқдалар. Тегишли ташкилот ва ўқув муассасалари билан ҳамкорликда ички йўналишлар бўйича сафарга чиқиш истагида бўлган юртдошларимиз учун автобусларда имтиёзли нархларда саёҳатлар уюштирилмоқда. Бу юртдошларимизнинг ўлкамиз бой маданий мероси ва қадимий тарихи, шунингдек, истиқлол йилларида шаҳар ва қишлоқларимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизнинг чекка ҳудудлари, хусусан, Оролбўйида ҳам ички туризмни ривожлантириш ишлари доирасида янги сайёҳлик йўналишлари ташкил этилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги қадимий қалъалар ҳамда диққатга сазовор жойлар бўйлаб уч йўналишда саёҳатлар таклиф этилмоқда. Хусусан, Қўйи Амударё давлат биосфера резервати, Устюрт кенгликларидаги сайгоқлар яйлови, Судоче кўлининг сақланиб қолган акваториясига саёҳатлар

уюштирилмоқда. “Сахролар ичра ўтмиш садолари”, “Оролга саёҳат”, “Тилаклар қудуғи”, “Ипак ипи мўъжизаси”, “Қорақалпоғистоннинг қадимий қалъалари” каби дастурлардан иборат йўналишлар сайёҳларга кўпроқ маъқул келмоқда. Ўлканинг бой тарихий ва маданий ёдгорликлари ҳақидаги маълумотларни ўзида мужассам этган Нукус шаҳридаги И.Савицкий номидаги санъат музейида тўқсон мингдан ортиқ экспонат сақланади. Қорақалпоқ элининг миллий безаклари, халқ амалий санъати намуналари, каштачилик буюмлари, миллий либослари сайёҳларнинг эътиборини тортмоқда. Оролбўйига сайёҳларни янада кўпроқ жалб этиш мақсадида минтақанинг табиий иқлим шароитидан оқилона фойдаланилиб, янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Мисол учун, табиий сув ҳавзаларида балиқ, ўрдак овлаш бўйича янги сайёҳлик йўналишлари ташкил этилган. Шунингдек, “Миздақхон қалъа”, “Тупроққалъа”, “Аёзқалъа”, “Чилпиқ” каби қадимий ёдгорликлар, Амударё соҳили бўйлаб экологик турлар ташкил этилмоқда.

Мамлакатимизда сайёҳликнинг, жумладан, ички туризмнинг ривожланиши янги иш ўринлари очилиши, иқтисодийтимизнинг ва халқимиз фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролик иштироки ва ҳамкорлик” лойиҳаси олти йўналишдан иборат бўлиб, улардан бири ҳудудларнинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилган. Бу борада иккита бошланғич ҳудуд: Жиззах вилоятининг Зомин ҳамда Наманган вилоятининг Чортоқ туманлари танлаб олинган. Мазкур туманлар ички туризми ривожлантириш учун қулай ҳудуд ҳисобланади. Хусусан, Зоминда рекреацион – дам олиш ва соғлиқни тиклаш мақсадларига хизмат қилувчи кўплаб ресурслар мавжуд. Ҳудуднинг тоғ экотизими, археологик ёдкорликлари у ерда экологик, спелеологик (ғорларга саёҳат қилиш), тарихий, қишлоқ ва спорт туризми – чанғида учини, пиёда саёҳат, тоғ велосипедини ривожлантириш имконини беради. Лойиҳа ижроси доирасида Зоминда маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун қизиқарли икки туристик йўналиш ишлаб чиқилди. Сайёҳларга юқори даражада хизмат кўрсата



оладиган транспорт компаниялари, овқатланиш шохобчалари билан алоқалар йўлга қўйилди. Археологик ёдкорликларга элтувчи автомобиль йўлларида ўзбек, рус ва инглиз тилларида йўл кўрсаткичлар ўрнатилди. 2012 йилдан буён Зомин туманида ўн иккита аҳоли уйларида меҳмонларни кутиб олиш учун шароитлар яратилди. Уларда хизмат қилувчи ишчи ва ходимларнинг малакасини ошириш мақсадида семинар-тренинглар ўтказилди. Сайёҳлар табиат қўйнида дам олиш билан бирга, турли маданий дастурлар, масалан, келин салом, бешик тўйи каби миллий маросимлар, шунингдек, маҳаллий таомларни тайёрлаш бўйича маҳорат сабоқларида ва уй юмушларини бажаришда ҳам қатнашиши мумкин. Лойиҳада белгиланган вазифаларга мувофиқ, Зомин туманида ташкил этилган туристик хизматлар мажмуи, туман ҳақида атрофлича маълумот берувчи ахборотномалар, видеоролик, оригинал логотип юртимиздаги маҳаллий сайёҳлик компанияларига тақдим этилди. Мамлакатимизда ички туризм инфратузилмасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар сайёҳларга қулай шароит яратиш ва уларнинг ўз саёҳатларини мазмунли ўтказишига хизмат қилиши билан бир қаторда Ўзбекистонимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳам муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Адабиётлар.

1. Мирзаев А. А. ГЕОГРАФИЧЕСКИЙ ОБЗОР ТУРИСТСКИХ ВЫСТАВОК В УЗБЕКИСТАНЕ //Вестник Науки и Творчества. – 2022. – №. 2 (74). – С. 51-58.
2. Мирзаев А. А. ЎЗБЕКИСТОНДА ГИД ТАРЖИМОНЛАР ЭТИКА СТАНДАРТЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ //ОБЩЕСТВЕННЫЕ НАУКИ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ: ПОЛИТОЛОГИЯ, СОЦИОЛОГИЯ, ФИЛОСОФИЯ, ИСТОРИЯ. – 2019. – С. 81-84.
3. Эргашев У. О., Мирзаев А. А. СОДЕРЖАНИЕ ПОВЫШЕНИЯ ПОЗИТИВНЫХ ИЗМЕНЕНИЙ В ДУХОВНОМ МИРОВОЗЗРЕНИЯ МОЛОДЕЖИ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ //Интернаука. – 2019. – №. 45-1. – С. 62-63.
4. Abdumannonovich, N. M., Obidjonovich, E. U., Azamovich, M. A., & Azimjonovich, R. I. (2022). AFG'ONISTONDAGI SIYOSIY VAZIYATNI IZGA SOLISHDAGI O'ZBEKISTONNING SAY-XARAKATLARI. *Yosh Tadqiqotchi Jurnal*, 1(2), 69-74.
5. Azimjonovich R. I. ESTABLISHMENT OF THE MINISTRY OF COMMUNITY AND FAMILY SUPPORT IS AN IMPORTANT STEP IN SELF-GOVERNMENT //Epra International Journal of



Multidisciplinary Research (IJMR) Impact Faktor: 7.032. Indiya. 2020 June. P. 161. – 2020. – Т. 163.

6. Azimjonovich R. I., Obidjonovich E. U. MAHALLA INSTITUTE-THE FOUNDATION OF CIVIL SOCIETY OF UZBEKISTAN.

7. Тожибоев У. У., Рахимов И. А. ДУХОВНЫЕ ОСНОВЫ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА // Актуальная наука. – 2019. – №. 11. – С. 137-140.

8. Рахимов И. А. ВЕЛИКИЙ ШЕЛКОВЫЙ ПУТЬ, КОТОРЫМ ВОСХИЩАЕТСЯ МИР // Современные научные исследования: тенденции и перспективы. – 2020. – С. 93-102.

9. Рахимов И. А. ОСНОВАНИЕ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА МАХАЛЛА // Инновационное развитие современной науки. – 2021. – С. 32-37.

10. Рахимов И. А. ИЗ ИСТОРИИ УПРАВЛЕНЧЕСКИХ ПРОЦЕДУР ТУРКЕСТАНСКИХ МЕСТНЫХ ИНВЕСТОРОВ В КОНЦЕ 19 И НАЧАЛЕ 20 ВЕКОВ // Актуальные вопросы современной науки и практики. – 2020. – С. 111-115.

11. Raximov I. A. ESTABLISHMENT OF THE MINISTRY OF COMMUNITY AND FAMILY SUPPORT IS AN IMPORTANT STEP IN SELF-GOVERNMENT // Современная наука: актуальные проблемы, достижения и инновации. – 2020. – С. 215-222.

12. Rakhimov I., Abdullayev S. UZBEK NEIGHBOURHOODS: HISTORY AND NOWADAYS // Вестник Ошского государственного университета. – 2019. – №. 3. – С. 34-37.

13. Rahimov I. NEIGHBORHOOD DEMOCRATIC MATERIAL // Обмен научными знаниями в условиях глобализации. – 2021. – С. 31-34.

14. Рахимов И. А., Нурматов Л. О. Ў. КЎП МИЛЛАТЛИ, КОНФЕССИЯЛИ МАҲАЛЛАЛАР ДЕМОКРАТИЯНИНГ БОШ МЕЗОНИ // Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 1068-1074.

15. РАХИМОВ И. А. ДЕЙСТВИЯ УЗБЕКИСТАНА В УРЕГУЛИРОВАНИИ ПОЛИТИЧЕСКОЙ СИТУАЦИИ В АФГАНИСТАНЕ // НАУЧНОЕ ЗНАНИЕ СОВРЕМЕННОСТИ Учредители: Индивидуальный предприниматель Кузьмин Сергей Владимирович. – №. 11. – С. 5-11.

16. Azimjonovich R. I., Nafisaxon A., Sitoraxon K. MUSTAQILLIK YILLARIDA KO 'P MILLATLI VA KOP KONFESSIYALI MAHALLALAR FAOLIYATINI TASHKIL ETISHNING O 'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI // "Yosh Tadqiqotchi" jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 37-42.\



17. Рахимов И. А. ИНСТИТУТ МАХАЛЛИ КАК ОСНОВА МЕЖЭТНИЧЕСКОЙ ГАРМОНИИ //Science Time. – 2022. – №. 1 (97). – С. 30-33.
18. Nosirovna M. A. The role of suleymanov rustam khamidovich in the study of urban development of ancient period in uzbekistan //Проблемы современной науки и образования. – 2019. – №. 12-2 (145). – С. 85-87.
19. Maxmudova A. N. ALOUDDIN ATOMALIK JUVAYNIYNING “TARIXI JAHONGUSHOY” ASARI XORAZMSHOHLAR DAVLATI TARIXIGA OID MUHIM MANBA //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2021. – Т. 1. – №. 11. – С. 322-329.
20. Tojiboev U. U., Abdullaev S. I. FORMATION PROCESSES IN THE FERGANA VALLEY IN THE YEARS OF THE SOVIET UNION (Based on the analysis of the first stage of tourism development from 1920 to 1936) //Ўтмишга назар журнали. – 2019. – Т. 21. – №. 2.
21. Тожибоев У. У., Рахимов И. А. ДУХОВНЫЕ ОСНОВЫ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА //Актуальная наука. – 2019. – №. 11. – С. 137-140.
16. Nosirovna M. A. Issues of history world civilization in the scientific research of rh suleymanov //Austrian Journal of Humanities and Social Sciences. – 2021. – №. 1-2. – С. 20-24.
22. Makhmudova A. N. ISSUES OF HISTORY WORLD CIVILIZATION IN THE SCIENTIFIC RESEARCH OF RH SULEYMANOV //Austrian Journal of Humanities and Social Sciences. – 2021. – №. 1-2. – С. 20-24.
23. Махмудова А. Историческое значение проводимых исследований ученых археологов на территории Согда //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 10/S. – С. 42-46.
24. Maxmudova A. The history of obirahmat cave exploration //Збірник наукових праць ЛОГОС. – 2020. – С. 74-75.
25. Махмудова А. Н. Человек, преданный науке //Молодой ученый. – 2020. – №. 9. – С. 130-132.
26. Азизахон М. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА КЎП МИЛЛАТЛИ, КОНФЕССИЯЛИ МАҲАЛЛАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ //Yosh Tadqiqotchi Jurnal. – 2022. – Т. 1. – №. 3. – С. 233-241.



27. Makhmudova, Azizakhon Nosirovna. "The role of Suleymanov Rustam Khamidovich in the study of urban development of ancient period in Uzbekistan." Проблемы современной науки и образования 12-2 (2019): 85-87.
28. Нуриддинов М. А., Мамасиддиқов А. А. ИЗ ИСТОРИИ УПРАВЛЕНЧЕСКИХ ПРОЦЕДУР ТУРКЕСТАНСКИХ МЕСТНЫХ ИНВЕТОРОВ В КОНЦЕ 19 И НАЧАЛЕ 20 ВЕКОВ // Современная наука: актуальные проблемы, достижения и инновации. – 2020. – С. 117-122.
29. Ханкулов Ш. Х., Нуриддинов М. А. МЕСТО ХАМЗЫ ХАКИМЗАДЕ НИЯЗИ В ДЖАДИДСКОЙ ПРЕССЕ // Актуальная наука. – 2019. – №. 11. – С. 98-100.
30. Hursanaliyevich H. S., Abdumannonovich N. M. HAMZA HAKIMZADE NIYAZI IN FOREIGN SOURCES.
31. Нуриддинов М. А. ТАЛАБАЛАР ИЖТИМОЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРНИНГ ЎРНИ // ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ YONDASHUVLARI. – 2022. – Т. 1. – С. 89-92.
32. Эргашов У. О., Мамасиддиқов А. А. ОТНОШЕНИЕ ЦАРСКОЙ РОССИИ К ШКОЛАМ ДЖАДИДОВ // Современная наука: актуальные проблемы, достижения и инновации. – 2020. – С. 122.
33. Эргашов У. О. Процесс воспитания духовно-нравственных ценностей у студентов в учебных заведениях // Достижения науки и образования. – 2018. – №. 18 (40). – С. 73-75.